

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА МИЛЛИЙ РУХ (ШАФОАТ РАҲМАТУЛЛА ТЕРМИЗИЙ ИЖОДИ МИСОЛИДА)

Юлдуз ХАИТОВА

катта ўқитувчи

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Сурхондарёлик шоир Шафоат Раҳматулла Термизий ижодида поэтик мазмун ва миллий рух уйғунлиги масаласи таҳлил қилинган. Шоир шеъриятида Ватан, халқ, миллат мавзулари таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: адабий муҳит, поэтика, мазмун, миллий рух лирика, бадиий асар, ватан, миллат.

НАЦИОНАЛЬНЫЙ ДУХ В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ (НА ПРИМЕРЕ ТВОРЧЕСТВА ШАФОАТА РАХМАТУЛЛЫ ТЕРМИЗИ)

Юлдуз ХАИТОВА

старший преподаватель

Термезский государственный университет,

Термез, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется проблема поэтического содержания и гармонии национального духа в творчестве сурхондарьинского поэта Шафоата Рахматуллы Термизи. В поэзии этого поэта исследуются темы родины, народа и нации.

Ключевые слова: литературная среда, поэтика, содержание, лирика национальной души, художественное произведение, родина, нация.

Шафоат Раҳматулла Термизий ижодида поэтик мазмун ва миллий рух уйғунлиги масаласи миллатнинг ахлоқи, иродаси ва эътиқодига доир шоир лирик асарларида поэтик ифодаланганини таъкидлаш керак. Миллий рух бадиий асарларда маълум тамойиллар асосида намоён бўлиши хусусида профессор Нурбой Жабборов шундай ёзади: “...уларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: 1) миллат руҳини мужассам этган ўзига хос урф-удумлар, анъаналар, қадриятлар, миллатнинг орзулари, армонлари талқини; 2) миллатнинг ўз-ўзига танқидий руҳда қарай олиш салоҳияти ифодаси; 3) миллий шахсиятларга хос собит эътиқоднинг поэтик сувратланиши. Биринчиси — миллатнинг ахлоқи, иккинчиси — иродаси, учинчиси — эътиқодини тажассум этади ва бу учлик яхлит ҳолда миллий руҳни ташкил қилади” [2;35]. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи таҳлили

муносабати билан белгиланган мазкур тамойилларни Шафоат Раҳматулла Термизийлар шеъриятида миллий руҳнинг поэтик мазмунда ифодаланишини тадқиқ қилиш жараёнига ҳам татбиқ этиш мумкин.

Аммо уларнинг фарқлари ҳам бор, ҳар бир муаллиф ўз асарларида миллий руҳга турлича ёндашиб талқин этади. “Жумладан, Шафоат Раҳматулла Термизий “Булбул қай гулга ошиқ” шеърининг умумий моҳиятида миллий руҳ ва ижодкор шахс руҳиятининг уйғунлигини кўриш мумкин:

Баҳор-қиз, кўйлагининг этаги сўкилдими?

Ундан яшил гиламга маржони тўкилдими?

Ҳарир кўйлак кийишиб сайилга чиққан минг қиз,

Гунча лабларин очиб ё баробар кулдими?... [3;38].

Баҳор – барча тирик жонзотлар ва ўсимлик дунёси уйғонадиган фасл. Бу мисраларда ҳам ўзбек миллатига хос бўлган урф-одатлар, қизларнинг завқ-шавқ билан сайлга чиқиши бадиий бўёқларда маҳорат билан тасвирланади. Шоир табиат тасвирини яратиб, нафақат лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини акс эттиришга, балки туйғулар пардаси ортида риторик сўроқлар орқали кўринмайдиган воқелик элементларини кўшишга ҳаракат қилади.

Ватан ҳақида ёзмаган ижодкорларни топиш маҳол. Шафоат Раҳматулла Термизий асарларида Ватан образи замирида теран моҳиятни жойлай билиши, миллий руҳни мужассам этиш салоҳияти билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, Шафоат Раҳматулла Термизийнинг “Ўзбекистон”, “Ўзбекистон, ўзинг ягона”, “Ватан ҳақида монолог”, “Ватан ҳур, аср янги” мавзудаги шеърларида киндик қони тўкилган ватанига муҳаббат, ҳар бир гўшасининг ўзига хосликларини таъриф-у, тавсиф этади. Шоир “Ўзбекистон” шеърида қуйидагича ёзади:

Ватан, борлиқ, боримсан,

Бетимсол диёримсан,

Меҳрибоним, ёримсан,

Келинчак Ўзбекистон.

Яшна, куйла, кул, юртим,
Ғазалхон булбул юртим.
Гўзал юртим, гул юртим,
Гулчечак Ўзбекистон [3;143].

Она замин – Ватанни келинчакка, гулга ўхшатилишининг ўзиёқ шоирнинг ватанга муҳаббати чексиз эканлигидан далолатдир.

Шеър – талант маҳсули, кўнгил қаърига саёҳатнинг борлиқ аро мавжланиш ҳодисаси. Оламни ижодкор кўзи ила идрок этолмайдиган, унинг ўқувчиларга номаълум жиҳатларини кўра олмайдиган киши шоир ҳисобланмайди.

Ҳар қандай ижодкорнинг асл қиёфасини унинг шеърларидаги поэтик ифодаланган миллий руҳ масаласи белгилайди. Шу маънода Шафоат Раҳматулла Термизий тамомила ўзига хос, ўткир нигоҳли шоирдир. Тўғри, у ҳам бошқалар фойдаланиб юрган сўзларни ишлатади. Лекин у бу сўзларни китобдан олмайди. Китобдан олинган сўз образга ёпишмайди. Шафоат Раҳматулла сўзга айро бир эркинлик билан ёндашади. У ҳар қандай асов, гўр сўзни ҳам юввош тортиради. Сўзни руҳга бўйсундира олади. Ўзи сўзнинг эмас, шоирона руҳ стихиясининг қуршовида юриб, оддийгина сўзлардан фақат Шафоат Раҳматуллага хос тасвир услубини вужудга келтиради.

“Шафоат Раҳматулла Термизийнинг “Аросат одам” драматик достони “Муқаддима”, “Асосий қисм”, “Хотима” қисмларидан иборат бўлиб, аросат ҳақидаги драматизмни ҳосил қилади. Ундаги “Қорқиз”, “Қора одам”, “Қор одам”, “Шоир” образлари орқали ҳаётнинг машаққатли муаммоларини фақатгина эзгуликкина еча олиши поэтик ифодаланади:

Қорқиз образи:

Муҳаббат – мен, муҳаббат – сиз, муҳаббат – ана,
Шу фурсатда қай юракда қилди тантана.
Сувдан тиниқ, гулдан нозик ёнар муҳаббат,
Қўш юракнинг қонин ичиб қонар муҳаббат [3;281].

Муҳаббат – бу тирик мавжудодларнинг ўз машаққатларини енгиллаштиришга уриниши, онг тараққиёти учун хизмат қилади. Одамзод ҳамиша ўзига қулай яшаш усулларини ҳаётга тадбиқ этиш йўлларини излайди. Инсоният ҳаётига кириб келган барча янгиликлар, ўз имкониятлари доирасида олам тартиботларига қаршилиқ қилиб яшайди. “Қўш юракнинг конин ичиб қонар муҳаббат” мисраларида муҳаббат инкор қилишга уринади – онг ва ташқи олам ўртасидаги зиддиятлар инсон ҳаёти тараққиётини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида намоён бўлади. Бундай кучнинг ортида эса, шубҳасиз, ушбу олам тартиботларига эътироз туради.

Драматик дostonдаги Қор одам образида дунёнинг жамики эътирозлари ифодаси бордек:

Қалбингизда бор эканки ғам-у кадар,
Сизлар қилган шубҳа, гумон, хиёнатлар,
Мана, мени бунёд этди, биродарлар.
Қани, айтинг, шу даврада ўтирганлар,
Ҳаммангизнинг юрагингиз оппоқ магар,
Қоп-қора бўб мен бу ерда турармидим?
Орангизда алвастидай юрармидим.
Хоҳламайман, бурда-бурда қилиб ташланг,
Қайтиб олинг кўзим, қалбим, тилимни, ман! [3;281].

“Қалбингизда бор эканки ғам-у кадар” мисраси талқинидан таъкидлаш жоизки, одамзоднинг онгли равишдаги эътирозлари икки турли бўлади: 1. Ўз-ўзини ҳимоя қилувчи. 2. Хужум қилувчи. Аслида ҳар қандай хужум ўз-ўзини ҳимоя қилишдир, бироқ бундан руҳий ҳолатда ҳам, ҳаракат-амалларда ҳам анчагина фарқ бўлади, шу боис уларни икки турга бўлиб, ўрганилиши лозим. Бу икки турдаги эътирозлар барча жонлиларга бирдек тегишли экани одамзодни тирик мавжудодлар билан умумлаштиради ва асоснинг, яъни пайдо бўлишнинг ягона эканидан далолат беради.

Дostonдаги Қор одам образи каби шоир образи ҳам ўзига хос тарзда тасвирланган:

Шоир эдим, шеър ёзардим баҳоли қудрат,
Бугун саҳна санъатига етдиму журъат,
Бу зотларни билганимча ўйнатиб куйдим,
Ўйнатдим-у, сизларни ҳам ўйллатиб қўйдим.
Ишқ ва вафо, армонмасми ҳаётнинг таъми?
Шу лаззатнинг, айтинг, ахир талхлари камми?
Эй мен севган, қордай оппоқ, улуғ одамлар,
Бир тилак шу: оппоқ севиб, оппоқ яшанглар! [3;281].

Одамзоднинг бу дунёда ишқ ва вафо учун қиладиган ҳар қандай ҳаракат-амаллари ҳимоя ёки ҳужум шаклидаги эътирозлардир. Ҳимоя илинжидаги эътирозлар аксарият илтижоли – раҳм-шафқат ёки куч-қувват сўраш шаклида бўлади. Татамидаги курашчи рақибини гиламга йиқитиш учун ҳужум қилади ва айнаи вақтда уни даст кўтариб, ерга уриш учун “Ё Оллоҳ” деб ҳайкириши ўзи сиғинадиган буюк қудратдан ҳимоя сўровчи илтижодир. Умуман, ҳимоя истагидаги эътирозлар ҳар доим Оллоҳ ёки бошқа кучларга нола, армонли, тушқун оҳангида, баъзан кўзёшли ҳаракатларида эса шиллиққурт сингари ўзини йиғиб олиш шаклида намоён бўлади. Баъзан эса ҳимоя илинжидаги эътирозлар ўтмишни қўмсаш, келажакка ишончсизликни ҳам намоён қилади.

Бундан ташқари, шоир ижоди турли рамзларга бойлиги, метафорик тафаккурнинг баландлиги, жозибадор ва ширали тили билан бошқа замондош шоирлардан ажралиб туради. У бирор мавзу атрофида фикр юритганда ҳамма ўрганган, кўниккан адабиёт меёрларига риоя қилмайди. Ўзи таниш бўлган шеърӣ қолиплардан фойдаланмайди. Шоирдаги тасаввур ва тахайюл кучи мавжуд адабий-назарӣ қолипларни четлаб ҳам ўтиши мумкин. Шунинг учун шоирда турли шаклдаги, ҳар хил бандга эга шеърларни учратамиз. Бу шеърларда ҳаёт ҳеч қандай эмоционал бўёқларсиз, ортиқча жимжима ва безакларсиз тасвирланади, бир қарашда қўпол ҳамда жайдарига ўхшаш сатрлар қалбимизга ўрнашиб олади. Шоир асар бошланмасини анъанавӣ

йўлда бошлаб, фикрларнинг тадрижий динамикаси аста кучайиб, сатирик пафос юзага келади” [7].

Шафоат Раҳматулла Термизий ўзбек халқининг миллий ва абадий қаҳрамони Алпомишга ҳам алқов бағишлайди. Бу шеър “Алпомиш” деб номланади. Беш сатрли, олти банддан иборат мазкур шеърнинг ҳар бандида “Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ”, “Сенинг ўзинг – мангу ғолиб халқ, Алпомиш” мисралари нақорат бўлиб келади. Шоир: “Етти, етмиш, юз йил қолдинг зиндонда сен”, – дер экан, нималарга ишора қилгани бугунги ўқувчиларга аён:

Қирларингда Қултой бўлиб кўзи бокдим,
Тўйларингда Ёдгор бўлиб илик қокдим.
Кенгликларда Бойчибор-ла бирга оқдим,
Юртнинг буюк тимсоли бўб балқ, Алпомиш,
Сенинг ўзинг – мангу ғолиб халқ, Алпомиш [3;17].

Тарихий шахсларга айтилган алқовлар рамзий фольклоризмлар деб аталади. Шафоат Раҳматулла Термизий нафақат Ватан, халқ, ёки ўз фарзандига, балки Алпомишга ҳам мақтов айтиб, фольклор анъаналарининг яхши намуналарини яратган. Бунда бевосита рамз бирламчи ҳодиса саналади. Рамзий образлар санъатнинг барча турларида аҳамиятли. Фольклоршунос Ш.Турдимов бир қатор тадқиқотларида ўзбек халқ дostonларидаги рамзлар, қолаверса, рамз ва истиора ўртасидаги фарқларни, ўзак рамзларини ўрганади [9:16]. Олим ўзбек халқ лирик кўшиқларидаги рамзлар табиати ҳақида шундай ёзади: “Турмушда ва фанда рамзлар коммуникатив функция бажарса, санъатда улар эстетик функция бажаради (коммуникатив функцияси иккинчи планга кўчади). Ўз навбатида, санъат турлари, жанрлари ичида ҳам рамзлар ҳар бир тур ва жанр имкониятларига кўра фарқланади” [6;16]. Олимнинг рамзлар тарихини ўрганиш борасидаги ишлари диққатга сазовор. Гарчи бу илмий изланишлар фольклоршунослик доирасида кечса-да, уларни ҳозирги ўзбек шеърлятига ҳам татбиқ этиш мумкин.

Хуллас, Шафоат Раҳматулла Термизий шеърлятида Ватан, халқ, миллат мавзулари етакчилик қилади. Ижодкор қайси мавзуда ёки жанрда ёзмасин, шеърларида она халқига бўлган муҳаббат туйғуси бор кўлами билан поетик ифодаланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Альфреда Адлера. Очерки по индивидуальной психологии. – Москва: Когито-Центр, 2002.
2. Жабборов Н. “Ўткан кунлар”да миллий рух ифодаси // Филология масалалари, 2020. – № 2.
3. Раҳматуллаев Ш. Озод сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
4. Рўмол рамзининг семантикаси ҳақида. Адабий мерос. – Тошкент, 1985.
5. Турдимов Ш. Ўзбек халқ лирик кўшиқларидаги “хабарчи” рамзлар ҳақида баъзи мулоҳазалар. – Тошкент, 1984.
6. Турдимов Ш. Лирик кўшиқларда рамз // Ўзбек тили ва адабиёти, 1982. № 3.
7. Xaitova Yu. The harmony of the national spirit and the spirit of the creative person (In the example of the poetry of Shafaat Rahmatulla Termizi) // International scientific journal “Modern science and research”, 2024. Volume 3. Issue 4.
8. Erikson. E. Psychosocial Identity / E.Erikson // A Way of Looking at Things. Selected Papers / ed. By S.Schlein. – New York. 1995.